



Бисмиллахи рохмани рохийм
Мукаддима

Кифоя килгувчи бўлган Зотга хамду санолар, Унинг бандаси Мустафо (соллаллоху алайхи васаллам)га салавоту саломлар бўлсин!

Куръони Карим бутун инсоният учун Аллох таоло томонидан нозил килинган катта инъом бўлиб, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам у билан ракобатлашадиган бирор неъмат йўқдир.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□

**«Арабча Куръонни эгриликсиз килиб (туширдикки), шоядки, такво килсалар»
(Зумар 28 оят).**

У бутун башарият учун шифодир. Уни тиловат килиш, унга караш, уни эшитиш ва эшиттириш, уни ўрганиш ва ўргатиш, унга амал килиш ва уни хар томонлама ёйишга хизмат килиш дунёю охират саодатидир.

«...»

Укба ибн Омир Жуханий (розиаллоху анху)дан ривоят килинади:
«Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) олдимизга чикдилар. Биз суффада ўтирган эдик. Бас, у Зот:
«Сизлардан кай бирингиз Бутхон ёки Акийкка бориб, Аллохга гунох килмасдан ва кариндошлик алокасини узмасдан иккита катта ўркакчи туя олиб келишни хохлайди?» дедилар.
«Эй Аллохнинг Расули, бизнинг хар биримиз буни жуда хам хохлаймиз», дедик.
«Албатта, бирингизнинг хар куни масжидга келиб Аллох азза ва жалланинг китобидан икки оят таълим олмоги иккита туядан яхширокдир. Учтаси учтадан яхширокдир. Тўрттаси тўрттадан яхширокдир. Канча оят бўлса, шунча туя», дедилар у Зот».

:... - ... - ...

..... «.....»

Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан ривоят килинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам):

«Сизларнинг яхшиларингиз Куръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят килишган.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) Куръони Карим тиловати, маъноларини ўрганиш, унга амал килиш ва уни етказиш фазилатларини баён килиб, умматни унга кизиктирганлар. Юкоридаги хади ўшандай хадислардан бири бўлиб, бу маънодаги хадислар жуда бисёрдир. Уммати Мухаммадия Куръони Карим ва Унинг илми хамда Уни ва Унинг маъноларини ёдлаш борасида шунчалар хизмат килганларки, уни кўриб акл лол бўлиб қолади.

Мусулмон уммати Куръони Карим маъноларини ўрганганликлари хақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Бу уммат илохий китоб лафзларини, харакоту саконатларини ва харфларини тўғри адо килиш борасида алохида илмларга асос солганлар. Дунёдаги бирор дин ва тилда ундай илмлар мавжуд эмас. Масалан, «Тажвид ва кироат»илмини олиб карайлик, у фаннинг тафсилоти ва нозик кирраларига багишлаб ёзилган матн ва шарх тарзидаги китобларни бир жойга тўпланилса, алохида бир кутубхона бўлади. Уммат пешкадамлари Куръони Каримга турли-туман жихат билан хизмат килганлар. Улардан бир гурухлари «Улумул Куръон» йўналишида китоблар ёзганлар.

«Улумул Куръон» катта бир илм йўналиши бўлиб, унда Тафсир илмининг коидалари, усуллари ёритилади. Шу билан бир каторда, Куръони Карим Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га кандай нозил килинди?, Вахийнинг хақиқати нима?, Аллох таолонинг ушбу китоби кандай тартибда нозил килинган?, Канча муддатда Унинг нозил килиниши мукамал бўлган?, Сураларни Маккий ва Маданийга ажратилишидан максад нима?, Оятларнинг сабаби нузили, Куръони Каримни тафсир килишда сабаби нузул илмининг ахамияти нимада?, Куръони Каримнинг бирор ояти насх килинганми?, Куръони Каримнинг турли харфи ва кироатидан мурод нима?, Куръони Карим кандай мазмунларни ўз ичига олган?, Аллох таоло ушбу китобни кандай мухофаза қилади?, Куръони Каримнинг китобати ва нашрига канча вақт бўлди?, Куръони Каримни тафсир килишда кандай коида ва одоблар мавжуд?, Аллох таолонинг ушбу каломини тўғри тушуниш йўли кандай?, Ушбу йўлда канчадан-канча адашган инсонлар нотўғри йўлга кетиб қолдилар? ва шу каби саволларга Улумул Куръон илми тўлиқ ва батафсил жавоб беради.

Араб тилида Улумул Куръон фани бўйича Заркаший (рахматуллохи алайх) ал-Бурхон фий улумил Куръон (тўрт жилддан иборат), Суютий (рахматуллохи алайх) «ал-Иткон» (икки жилддан иборат), Шайх Зарконий (рахматуллохи алайх) «Манаахилул ирфон» (икки жилддан иборат) каби китоблар ёзганлар. Ушбу китоблар хозирги кунгача толиби илмлар кўлида кўлма-кўл бўлиб, фанга доир манба сифатида асосий ўрин тутди.

